

Дастлабки гуруҳ ҳожиларимиз ҳаждан келишди



10:00 / 19.08.2019 1704

Жорий йилнинг 18 август куни дастлабки гуруҳ ўзбекистонлик ҳожилар она-Ватанга етиб келдилар. Жидда-Тошкент йўналиши бўйича Тошкент халқаро аэропортига келган юртдошларимизнинг барчалари соғ-саломат.

Ҳожиларимиз Макка ва Мадина шаҳарларида бўлиб, ҳаж амалларини мукаммал адо этишди. Ибодатлар чоғида ҳожилар бугунги саодатли кунлар учун шукроналар айтиб, Яратгандан юртимизга қут-барака, халқимизга бахт-саодат, эртанги умидимиз бўлган фарзандларимизга нурли келажак сўраб дуолар қилдилар.

Ўзбекистонлик ҳожиларимизнинг Ватанга қайтишлари шу йил 18 августдан 1 сентябргача давом этади. Юртимиз ҳожиларини ҳаж амалларини мукаммал адо этганлари билан муборакбод этамиз.



